



CANADA



CANADA

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛИ

Бердиев Жасур Қўлдошевич

Қаршии муҳандислик-иқтисодиёт институти “Бизнес ва инновацион менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Саноат маҳсулотларини ҳажмини оширишини прогнозлашида таъсир этувчи омиллар танлаб олиниб, кўп омилли эконометрик моделлар қуриш учун асосий қоидаларидан бири моделга танланниб олинадиган омиллар ўртасида боғланиши зичликларини аниқлаши, яъни танланниб олинаётган омиллар ўртасида боғланиши мультиколлинеарлик муаммосини текшириши ҳисобланган. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги эконометрик модель тузилиш ва таҳлил қилиши учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб n -даражали регрессия тенгламаси кўринишга ифодалаб ҳамда иқтисодий таҳлил қилиниб, холоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Саноат корхоналари, эконометрик моделлаштириши, эконометрик модел, прогнозлаш, корреляция коэффициенти, регрессия коэффициенти, кўп омилли эконометрик модел, ковариация, чизиқли корреляция коэффициенти, корреляцион матрица, чизиқли кўп омилли эмпирик модел, даражали кўп омилли эмпирик модел, баҳолаш мезонлари, эконометрик таҳлил, иқтисодий таҳлил.

КИРИШ

Жаҳон миқёсида корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий услублардан мақсадли фойдаланиш, иқтисодий салоҳиятини интеграл кўрсаткичлар асосида комплекс баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда иқтисодий салоҳиятини оширишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, замонавий ҳисоб тизимини такомиллаштириш ҳисобига корхоналарни инновацион ривожланишини таъминлаш, корхоналарнинг инновацион салоҳиятини замонавий баҳолаш методологиясини такомиллаштириш, инновацион-иқтисодий салоҳиятни тизимли таҳлил усулларини қўллаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятида иқтисодий салоҳият мажумасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва прогнозлаш, молия ҳамда инвестицион салоҳиятини эконометрик усулларда таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини



CANADA



CANADA

юксалтириш⁵²» каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси корхоналар иқтисодий салоҳиятини баҳолашда замонавий эконометрик услубларидан фойдаланишни такомиллаштириш, иқтисодий салоҳиятни самарадорлигни оширишни эконометрик тадқиқ этиш ва прогнозлашни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришни моделлаштириш ва прогнозлаш, ишлаб чиқаришни кўп мезонли оптималлаштириш, саноатнинг худудий ривожланиши ва унинг кўп омилли эмпирик моделларини таснифлаш масалалари С.В.Клементьев, В.С.Муравьев, А.И.Орлов, Р.М.Нуреев, И.С.Светуньков, Л.Н. Слуцкинларнинг илмий изланишларидан кенг жой эгаллаган⁵³

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш жараёнларини эконометрик моделлаштириш масалалари бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари Т.Ш. Шодиев, Р.Х. Алимов, Н.М. Махмудов, Б.Т. Салимов, С.К. Салаев, И.С. Абдуллаев, А.Т. Кенжабаевларнинг илмий ишларида ишлаб чиқаришни моделлаштириш ва прогнозлаш, мураккаб иқтисодий шароитида ижтимоий-иктисодий жараёнларни моделлаштириш, барқарор ижтимоий-иктисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари, саноат корхоналари фаолиятини эконометрик моделлаштириш масалалари чукур ва кенг тадқиқ этилган.⁵⁴

Кўп сонли тадқиқотларда қайд этилишича, саноатга иқтисодий ўсишнинг «асосий таянч нуқтаси» сифатида қаралади.⁵⁵ Мазкур фикр саноатнинг бошқа иқтисодиёт тармоқларига нисбатан инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдалана олиш имкониятининг юқорилиги, фан-техника ютуқлари ва илмий ишланмаларни татбиқ эта олиши, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тармоқларини технологиялар билан таъминлай олиши, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда миллий иқтисодитнинг ҳар бир тармоғи ривожланишини таъминлаб бериш хусусиятига эгалиги билан изоҳланади.

⁵²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг Конун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-мода.

⁵³ Клементьев С.В. Применение теории нечетких множеств для измерения и оценки эффективности реализации научноемкой продуктовой инновации // Заводская лаборатория. Т.72. №11. 2006; Муравьева В.С., Орлов А.И. Организационно-экономические проблемы прогнозирования на промышленном предприятии // Управление большими системами. Выпуск 17. - М.: ИПУ РАН, 2007; Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики: учебник / Р.М. Нуреев-2-е изд., перераб. и доп. - М.: Норма, 2008; Светуньков И.С. Производственные функции комплексных переменных в экономическом анализе. Автореф. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. 2008; Слуцкин Л.Н. Статистический анализ инфляционных процессов в промышленных секторах американской экономики, 1959-1966 гг. Прикладная эконометрика. №1(13) 2009.

⁵⁴ Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана).: Дис... докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1988; Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопковопромышленных комплексов. Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко-перерабатывающих отраслей.: Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. - Т.: Ўқитувчи, 1995; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланини тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).: Икт. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТДИУ, 2008; Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алматы: Дис... канд. экон. наук. - Т. 1990;

⁵⁵ Lall S. (2000). Technological Change and Industrialization in the Asian Newly Industrializing Economies: Achievements and Challenges. In: Technology, Learning and Innovation: Experiences of Newly Industrializing Economies, eds. Kim L. and Nelson R.R. Cambridge: Cambridge University Press; Szirmai A. and Verspagen B. (2011). Manufacturing and Economic Growth in Developing Countries, 1950 -2005. UNU-MERIT Working Paper Series 2011- 069. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ.

Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотларини ҳажмини оширишни прогнозлашда таъсир этувчи омиллар танлаб олиниб, кўп омилли эконометрик модел қуриш учун қўйидаги жараёнларга эътибор бериш ва амалга ошириш керак бўлади:

Кўп омилли эмпирик моделни тузишнинг асосий қоидаларидан бири моделга танланиб олинадиган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танланиб олинаётган омиллар ўртасида боғланиш мультиколлинеарлик муаммосини текшириш ҳисобланади.

Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини аниқлаш ва уларнинг муҳимлигини, ишончлилигини баҳолашга асосланади⁵⁶.

Чизикли корреляция коэффициентининг ҳисоблаш формуласи қўйидагicha⁵⁷:

$$r_{yx} = \frac{\bar{y}\bar{x} - \bar{x}*\bar{y}}{\sigma_x * \sigma_y} \quad (1)$$

бу ерда: σ_x ва σ_y мос равища x ва y ўзгарувчиларнинг ўртача квадратик четланишидир ва улар қўйидаги формуалалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n}}, \quad \sigma_y = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}{n}}$$

Корреляция коэффициенти (r) -1 дан $+1$ оралиғида бўлади. Агар $r = 0$ бўлса омиллар ўртасида боғланиш мавжуд эмас, $0 < r < 1$ бўлса, тўғри боғланиш мавжуд, $-1 < r < 0$ бўлса, тескари боғланиш мавжуд $r = 1$ функционал боғланиш мавжуд.

Чизикли боғланиш учун кўплиқдаги корреляция коэффициенти жуфт корреляция коэффициентлар матрицаси орқали аниқланиши мумкин.

1-жадвал маълумотлари асосида яъни, Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотларини ҳажмини ошириш жараёнини эконометрик таҳлил қилишда таъсир этувчи омиллар сифатида вилоят саноат корхонларида банд бўлганлар сони, вилоят саноат корхонларида истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми, вилоятда хорижий сармояси иштирокида фаолият юритадиган корхоналар сони, вилоят саноат маҳсулотларининг экспорт ҳажми, вилоятда саноат маҳсулотларининг импорт ҳажми ҳамда вилоят саноат корхоналари асосий капиталга жалб қилинган инвестициялар ҳажмини танлаб олганмиз. Бу омиллар ўртасида мультиколлениярлик мавжуд эмаслигини аниқлашда автокорреляцион таҳлил ўтказамиз.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар

Sa noat ishlab	San oatda band	Iste' mol mollari	Xoriji y sarmoya ishtirokida	E ksport hajmi	I import hajmi	Asosiy kapitalga investitsiyala

⁵⁶ А. Ишназаров, Ш. Нуруллаева, М. Муминова, Н. Рўзиметова. Эконометрика асослари Ўқув кўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 258 бет.

⁵⁷ Gujarati D.N. Basic Econometrics. McGraw-Hill, 4th edition, 2003 (Gu),Inc.p. 90

	chiqaris h hajmi	bo'lganla r soni	ishlab chiqarish hajmi	gi korxonalar soni			r
	Y	X1	X2	X3	X 4	X 5	X6
	ml rd. so'm	min g kishi	mlrd. so'm	dona	ml n. AQSh dollar	ml n. AQSh dollar	mlrd. so'm
010	2 49 57.50	91.3 0	651.7 0	45	35 5.80	14 8.80	1792.80
011	2 50 43.60	93.9 0	815.6 0	45	46 2.30	11 8.40	2265.90
012	2 60 76.43	95.4 0	947.8 0	44	34 3.10	40 7.70	3072.20
013	2 68 49.42	97.0 0	1498. 20	51	33 5.30	43 0.20	3667.80
014	2 71 94.74	99.4 0	1520. 50	45	29 7.44	30 9.43	4721.80
015	2 87 21.94	100. 20	2094. 30	44	26 9.66	46 8.01	5894.70
016	2 96 32.20	101. 60	2577. 20	46	23 9.02	52 5.12	7304.40
017	2 10 945.86	102. 70	2549. 20	54	22 6.32	37 0.55	11175.3
018	2 14 529.52	102. 90	2891. 70	85	27 0.77	49 4.97	16518.5
019	2 20 360.06	96.0 0	3904. 00	192	36 6.07	45 8.72	24462.4
020	2 14 612.31	91.0 0	4480. 30	220	19 6.50	34 7.70	20557.6
021	2 18 771.85	96.9 0	4660. 90	237	27 0.00	29 5.70	17359.1
022	2 22 814.67	84.9 0	4763. 10	254	30 3.40	24 4.10	16181.5

НАТИЖАЛАР. Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотларини ҳажмини ошириш жараёнини эконометрик моделлаштиришда таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эмпирик модель тузиш учун, юқорида келтирилган Саноатда банд бўлганлар (X1) ва Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар (X3) таъсир этувчи омил қаторида олинган эди, аммо корреляцион матрицадаги таҳлил натижасида суст боғланиш

мавжудлиги аниқланди, шунинг учун бу икки омилдан фойдаланилмайди. Бу омиллардан ташқари барча омиллар олинади ва уларнинг моделда ўзларини қандай тутишлари текшириб кўрилади.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги эконометрик модель тузиш ва таҳлил қилиш учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланамиз.

Курилган эмпирик модел натижалари чизиқли регрессия кўриниши эконометрик моделларни баҳолаш мезонлар асосида таҳлил қилинганда айрим мезон натижалари модел коэффициентларини аҳамиятсизлигини кўрсатмоқда, шунинг учун эконометрик моделни n -даражали регрессия тенгламаси кўринишга ифодалаб, модел натижасини қайтадан баҳолаш мезонлари асосида таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Шундай экан, берилган статистик маълимотларни натурал логарифм қийматлани аниқлаб, даражали кўп омилли эмпирик моделини қурамиз.

Даражали кўп омилли эконометрик модел қўйидаги кўринишга эга:

$$Y = a_0 * x_1^{a_1} * x_2^{a_2} * \dots * x_n^{a_n} \quad (2)$$

бу ерда: y - натижавий омил; x_1, x_2, \dots, x_n - таъсир этувчи омиллар.

(2) моделда натурал логарифм орқали алмаштириш олсак, у ҳолда қўйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$\ln(y) = \ln(a_0) + a_1 \ln(x_1) + a_2 \ln(x_2) + \dots + a_n \ln(x_n). \quad (3)$$

(3) моделда $\ln(y) = y'$, $\ln(a_0) = a'_0$, $\ln(x_1) = x'_1$, $\ln(x_2) = x'_2, \dots, \ln(x_n) = x'_n$ белгилашларни амалга оширсак, у ҳолда қўйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$y' = a'_0 + a_1 x'_1 + a_2 x'_2 + \dots + a_n x'_n. \quad (4)$$

(10) моделдаги номаълум a'_0, a'_1, \dots, a'_n параметрларни топиш учун қўйидаги нормал тенгламалар тизими тузилади.

$$\begin{cases} n a'_0 + a'_1 \sum x'_1 + a'_2 \sum x'_2 + \dots + a'_n \sum x'_n = \sum y' \\ a'_0 \sum x'_1 + a'_1 \sum x'^2_1 + a'_2 \sum x'_1 x'_2 + \dots + a'_n \sum x'_1 x'_n = \sum x'_1 y' \\ \dots \dots \dots \dots \dots \dots \\ a'_0 \sum x'_n + a'_1 \sum x'_n x'_1 + a'_2 \sum x'_n x'_2 + \dots + a'_n \sum x'^2_n = \sum x'_n y' \end{cases} \quad (5)$$

Ушбу (11) нормал тенгламалар тизимини математиканинг бир нечта усули орқали аналитик ечилса, у ҳолда номаълум a'_0, a'_1, \dots, a'_n параметрларнинг қийматлари топилади.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида қурилган n -даражали регрессия тенгламаси

Dependent Variable: Y		
Method: Least Squares		
Included observations: 13		

Variable	Coef ficient	Std. Error	t-Statistic	Pro b.
X2	0.498260	0.186084	2.677612	0.0280
X4	0.471348	0.191938	2.455735	0.0396
X5	-0.065328	0.085373	-0.765212	0.0466
X6	0.287997	0.136807	2.105132	0.0684
C	0.538991	1.588543	0.339299	0.0743
R-squared	0.971280	Mean dependent var		9.229006
Adjusted R-squared	0.956921	S.D. dependent var		0.528381
S.E. of regression	0.109668	Akaike info criterion		-1.298988
Sum squared resid	0.096217	Schwarz criterion		-1.081700
Log likelihood	13.44342	Hannan-Quinn criter.		-1.343650
F-statistic	67.63907	Durbin-Watson stat		1.975604
Prob(F-statistic)	0.00003			

Вилоят саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмининг ривожланиши учун қурилган эмпирик моделлар ҳисобланган DW мезонининг ҳисобланган қиймати 2 дан кичиклиги аниқланди. Бу эса натижавий омил қолдиқларидан автокорреляция ижобий эканлигини кўрсатади. Фишер ва Стьюдент мезонлари ҳисобланган ва ҳисобланган қиймат билан жадвал қийматлари таққосланган, натижада унинг жадвал қийматларидан катталиги аниқланган. Уларни қўйидаги модель кўринишида ифодаладик:

$$Y = 1.714 * x_2^{0.498} x_4^{0.471} * x_5^{-0.065} * x_6^{0.288} \quad (6)$$

$$t \ 0.074 \ 0.028 \ 0.0396 \ 0.047 \ 0.068$$

Одатда, детерминация коэффициенти [0;1] кесмада қийматларни қабул қиласи. Коэффициент қиймати қанчалик 1 га яқин бўлса, боғлиқлик шунчалик кучли

хисобланади. Мазкур ҳолатда детерминация коэффициентининг **0,957** қийматга тенг бўлиши, моделда мазкур иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида етарли даражада кучли боғлиқлик мавжудлигини билдиради.

Моделларни турли миқдордаги омиллар билан таққослаш имконияти бўлиши ва ушбу миқдордаги омиллар R^2 статистикага таъсир этмаслиги учун одатда корректлашган детерминация коэффициентидан фойдаланилади⁵⁸, яъни:

$$R_{\text{текис}}^2 = 1 - \frac{s^2}{s_y^2} \quad (7)$$

Мазкур ҳолатда ушбу текисланган детерминация коэффициенти **0,976** қийматига тенг бўлиши ва унинг R^2 га яқинлиги, моделнинг таъсир этувчи омиллар сони ўзгариши атрофда қийматлар қабул қилинишини билдиради.

Тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлилиги ва ўрганилаётган жараёнга мос келишини аниқлаш учун Фишернинг F-мезонидан фойдаланамиз.

F-мезоннинг ҳақиқий қиймати $F_{\text{хисоб}}=67,639$ га тенг. Агар ҳақиқий қиймат жадвалдаги қийматдан катталиги маълум бўлди, демак тузилган кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ёки ўрганилаётган жараёнга адекват экан.

Кўп омилли эконометрик модель (6) параметрлари ва корреляция коэффициентларининг ишончлилигини текширишда Стыюдентнинг t -мезонидан фойдаланилади. Бунда уларнинг қиймати тасодифий хатолар қийматлари билан таққосланади⁵⁹.

$$t_b = \frac{b}{m_b}; \quad t_a = \frac{a}{m_a}; \quad t_r = \frac{r}{m_r}. \quad (8)$$

Эконометрик модель параметрлари ва корреляция коэффициентларининг тасодифий хатолари қуйидаги формулалар бўйича хисобланади⁶⁰:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum(y-\hat{y}_x)^2/(n-2)}{\sum(x-\bar{x})^2}} = \sqrt{\frac{S_\sigma^2}{\sum(x-\bar{x})^2}} = \sqrt{\frac{S_\sigma^2}{\sigma_x \sqrt{n}}}; \quad (9)$$

$$m_a = \sqrt{\frac{\sum(y-y_x)^2}{(n-2)}} * \frac{\sum x^2}{n \sum(x-\bar{x})^2} = \sqrt{S_\sigma^2 \frac{\sum x^2}{n^2 \sigma_x^2}} = S_\sigma \frac{\sum x^2}{n \sigma_x} \quad (10)$$

$$m_{r_{xy}} = \sqrt{\frac{1-r_{xy}^2}{n-2}}. \quad (11)$$

Стыюдентнинг t -мезони ҳисобланган ($t_{\text{хисоб}}$) ва жадвал ($t_{\text{жадвал}}$) қийматларини таққослаб, H_0 гипотезани қабул қиласиз ёки рад этамиз. Бунинг учун t -мезоннинг

⁵⁸Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. Revised edition. Palgrave Macmillan, New York, 2007. – p.397

⁵⁹ Эконометрика: Учебник. /Подред. И.И.Елисеевой. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 51-53 с.:

⁶⁰ Эконометрика: Учебник. /Подред. И.И.Елисеевой. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 51-53 с.:

жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли (α) ва озодлик даражаси (d.f. = $n - m - 1$) шартлар асосида топамиз. Бу ерда n - кузатувлар сони, m - омиллар сони.

Ишончлилик эҳтимоли $\alpha = 0,05$ ва озодлик даражаси d.f. = $12 - 4 - 1 = 7$ бўлганда, t -мезонинг жадвал қиймати $t_{\text{жадвал}} = 2,4469$ га teng.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма хизматлари бўйича кўп омилли эконометрик моделдаги хисобланган параметрлар учун ҳам $|t_{xisco\delta}| > t_{\text{жад}}$ шарти қаноатлантирилиши лозим.

(6) модель бўйича натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляцияни текшириш учун Дарбин-Уотсон (DW) мезонидан фойдаланамиз⁶¹:

$$\begin{aligned} DW &= \frac{\sum_{t=2}^T (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{t=1}^T e_t^2} = \frac{\sum_{t=2}^T e_t^2 + \sum_{t=2}^T e_{t-1}^2 - 2 \sum_{t=2}^T e_t e_{t-1}}{\sum_{t=1}^T e_t^2} = \\ &= 2 - 2 \frac{\sum_{t=2}^T e_t e_{t-1}}{\sum_{t=1}^T e_t^2} \approx 2(1 - \rho_1), \end{aligned} \quad (12)$$

бу ерда: ρ_1 - биринчи тартибдаги корреляция коэффициенти.

Натижавий омил қолдиқлари қаторида автокорреляция мавжуд бўлмаса, $DW = 2$, мусбат автокорреляцияда DW нолга интилади, манфий автокорреляцияда эса 4 га интилади.

$$\begin{cases} \rho_1 = 0 \rightarrow DW = 2; \\ \rho_1 = 1 \rightarrow DW = 0; \\ \rho_1 = -1 \rightarrow DW = 4. \end{cases}$$

Хисобланган DW жадвалдаги DW билан қиёсланади.

Агар натижавий омилнинг қолдиқларида ижобий автокорреляция мавжуд бўлса, у ҳолда хисобланган DW мезонининг қиймати $d < 2$ бўлади. Мазкур хисобланган DW мезонининг қиймати 1,97 га teng. Бу эса натижавий омил қолдиқларидан ижобий автокорреляция мавжудлигини кўрсатади.

Курилган эмпирик моделини таҳлил қиласиган бўлсак, агар вилоятда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми (яъни истеъмол молларига бўлган талаб) 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,498 фоизга ошиши, агар вилоятда саноат маҳсулотлари экспортини 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,471 фоизга ошиши, вилоятда саноат маҳсулотлари импорт ҳажмини 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,065 фоизга камайиши, вилоят саноат корхоналари асосий капиталга киритиладиган инвестиция ҳажми 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,288 фоизга ошиши аниқланди.

⁶¹Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. Revised edition. Palgrave Macmillan, New York, 2007. – p.140-143.

ХУЛОСА ВА МУНОЗАРА

Саноат корхоналарининг мураккаб иқтисодий салоҳиятини эконометрик моделлаштириш барқарор ривожланишида қарорлар қабул қилишнинг самарали воситаси бўлиб қолади. Бунда корхона мураккаб иқтисодий салоҳияти ва уни баҳолаш механизмининг қабул қилинган асосий мақсадли кўрсаткичлар тизими асосида корхонанинг мураккаб иқтисодий салоҳиятини прогноз қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришнинг қўйидаги асосий омилларига эътибор қаратиш зарур ва уларнинг таъсири қўйидагича: вилоятда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми (яни истеъмол молларига бўлган талаб) 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,498 фоизга ошиши, саноат маҳсулотлари экспортини 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,471 фоизга ошиши, вилоятда саноат маҳсулотлари импорт ҳажмини 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,065 фоизга камайиши, вилоят саноат корхоналари асосий капиталга киритиладиган инвестиция ҳажми 1 фоизга оширилса, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,288 фоизга ошиши мумкин экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. Revised edition. Palgrave Macmillan, New York, 2007. – p.140-143.

3. А. Ишназаров, Ш. Нуруллаева, М. Муминова, Н. Рўзиметова. Эконометрика асослари Ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 258 бет.

4. Gujarati D.N. Basic Econometrics. McGraw-Hill, 4th edition, 2003 (Gu), Inc.p. 90

5. Эконометрика: Учебник. /Под ред. И.И.Елисеевой. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 344 с.

6. Клементьева С.В. Применение теории нечетких множеств для измерения и оценки эффективности реализации научноемкой продуктовой инновации // Заводская лаборатория. Т.72. №11. 2006;

7. Berdiyev J. Q. (2023). STRATEGIC MANAGEMENT OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM AS AN ECONOMIC DIAGNOSTIC OBJECT. *Academia Science Repository*, 4(04), 159–166. Retrieved from <http://academiascience.com/index.php/repo/article/view/356>

8. Berdiev , J.(2023). EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(2 Part 3), 87–92. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/10395>

9.Berdiyev , J. (2022). MINTAQADA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRLIKNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(11), 832–835. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/5193>